

# МУАДАИМ ҲӘМ ҮЗЛІКСИЗ БИЛІМЛЕНДІРИҮ



*Илимий-методикалық журнал*

---

**2023**

**2/1-сан**

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

**2/1-сан 2023**

*март-апрель*

---

**Шолкемлестириүшілер:**

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендіриүү Министрлигі,  
ӨЗПИИ Қарақалпақстан филиалы*

**Редактор:**  
**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Сабит НУРЖАНОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Уролбой МИРСАНОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Нуржан МАТЧАНОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ	Шукурилло МАРДОНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Тұлқин АЛЛАЁРОВ	Барлықбай ПРЕНОВ
Умида БАХАДИРОВА	Қаҳхор ТУРСУНОВ
Фархад БАБАШЕВ	Нурзода ТОШЕВА
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Тажибай УТЕБАЕВ
Маманазар ДЖУМАЕВ	Амангелди КАМАЛОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ	Ризамат ШОДИЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ	Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Умида ИБРАГИМОВА	Гулрухсөр ЭРГАШЕВА
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Гавхар ЭЩАНОВА
Асқарбай НИЯЗОВ	



## МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

Seytkasimov D. B. Kompetencyaǵa baǵdarlanǵan tálım tiykarıńda filolog-oqítıwshı profilin jaratıw .....	6
Курбанова Ш. А. Концепт терминининг когнитив тилшунослиқда ва лингвомаданиятшунослиқдаги аҳамияти .....	13
Toshxujayeva Sh., Karimova Sh. Erkin A'zam asarlarida frazeologizmlar .....	20
Masodikova Z. H. Oliy ta'lím muassasalarida nemis tilini pedagogik texnologiyalar orqali o'rqtish .....	24
Akbarova M. Sh. G`ayriodatiy birikmalar badiiy matnning lingvopoetik qiymatini oshiruvchi omil sifatida .....	28
Yigitaliyeva Sh. I. "Yaxshilik" konseptining bilvosita ifodalanishi .....	33
Закирова Д. Х. Нутқий жанрлар концепцияси хусусида .....	38
Тошхужаева Ш., Каримова Ш. Эркин Аъзам асарларида киноя .....	43
Тошхужаева Ш. Эркин Аъзам асарларида парантезаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари .....	47
Орипова К. Э. Ўхшатишлар иштирокидаги бадиий матнларда антонимлар маданий омил сифатида .....	52
Ishmatova O. S. Fonetik ritmika – nutqni kompleks rivojlantirish omili sifatida .....	57
Махмудова Д. С. Методы и приемы обучения русскому языку .....	65

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Хужаназарова Н. М. Тарбияланувчиларда меҳнат кўнилмаларини ҳосил қилиш .....	70
Taylanova Sh. Boshqaruvin tizimini rivojlantirish yo'llari .....	73
Донаев С. Х. Таълим сифатини бошқаришнинг муҳим хусусиятлари .....	77
Abdraimova B. B. Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini tayyorlashda pedagogik diagnostika muammosining nazariy aspektlari .....	83
Kultaev K. K. To'yingan uglevodorodlar mavzusiga interfaol usullarning tatbig'i .....	92
Abdullahayev A. Q., Abdullahayeva N. R. Umumiy o'rta ta'lím maktablarida matematika fanini o'qitishda innovatsion ta'lím texnologiyalari asosida kreativ faoliyatini rivojlantirish .....	99
Ibadullayeva Sh. N. Pedagogik amaliyot jarayonida bo'lajak maxsus pedagoglarni kasbiy faoliyatga tayyorlashning mexanizmlarini takomillashtirish .....	105
Бабаева Х. У. Педагогик таълим инновацион кластерининг афзалиги .....	111
Эрназарова Г. О., Калдибеков А. Б. Бўлажак педагогларнинг технологик компетентлик даражасини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари .....	115
Курбанова М. Э. Касбий-технологик вариативлик асосида ўқув жараёнида инновацион фаолиятни ташкил этиш .....	121
Тўйчиева Г. М. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-билиш компетенциясини шакллантириш .....	125
Janbayeva M. S. Innovatsion jamiyat sharoitida zamonaviy o'qituvchilarga bo'lgan ehtiyojlar .....	130
Meylieva M. S. Kasb tanlashga munosabat tizimi mezonlarining tanlanishi .....	133
Ne'matova Z. F. Ta'lím, fan va ishlab chiqarish integratsiyasida zamonaviy o'rta bog'in kadrlarni tayyorlash tamoyillari .....	138
Majidova G. A. Umumta'lím maktablarida immersiv texnologiyalardan foydalanish ko'nikmasini oshirish .....	142
Xalilov F. V. Muhandislik oliy ta'lím muassasalarida mustaqil ta'lím va unda bilimlar bazasi qo'llash zaruriyat .....	146
Ашуррова С. Ю. Ўқитиши тамойиллари таълим жараёнида дидактик воситалар ва материаллардан фойдаланишнинг асоси сифатида .....	152
Muslimov Sh. N. Bo'lajak texnologiya fani o'qituvchilarini kasbiyor-grafik kompetentligini rivojlantirishda shaxsga yo'naltirilgan ta'límning roli .....	157



<b>Sharipov A. A.</b> Professional talim muassasalari oquvchilarining zamonaviy pedagogik texnologiyalar vositasida amaliyatga yo'naltirish metodikasini takomillashtirish .....	163
<b>Абдалова С. Р.</b> Дарснинг ўкув жараёнидаги ўрнини ўрганиш ҳамда муаммоли ўқитиш технологияси нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш .....	168
<b>Мусурманов Р., Султанова Д. А.</b> Академик Қори Ниёзий педагогик фаолиятини ўрганиш замон талаби .....	174
<b>Raxmanova M. Q.</b> Talabalarning ijtimoiy kompetentligini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlari .....	178
<b>Кадирова X. А.</b> Замонавий таълим технологиялари ёрдамида миллий дунёқарашни ривожлантириш механизmlари .....	183
<b>Парпиева М. М.</b> Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш муаммосини ўрганишнинг илмий-амалий асослари .....	188
<b>Tursunbayeva Yu. R.</b> Oliy ta'lif muassasalarida o'qitish jarayonini boshqarish texnologiyasi pedagogik mexanizmlari .....	194
<b>Мусурмонов Р., Суяров А. М.</b> Ёшларнинг шарқона имиджи ва муомала одобини шакллантириш хусусида .....	200
<b>Жумаева Ю. Р.</b> Бўлажак ўқитувчиларни форсайт технологияси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш .....	206
<b>Кабирова З. М.</b> Аralаш таълим технологияларининг аҳамияти .....	211
<b>Xasanov F. Z.</b> Bo'lajak matematika o'qituvshilarini metodik tayyorlashning o'ziga xos xususiyatlari .....	215
<b>Ortiqova N. A.</b> O'qituvchining pedagogik faoliyatidagi psixologik to'siqlar va ularni bartaraf etish metodlari .....	220
<b>Ortiqova N. A.</b> Tarbiya maqsadini ishlab chiqishning pedagogik xususiyatlari .....	230
<b>Axmadaliev B. S.</b> Oliy ta'lif muassasalarida tarbiyaviy ishlarni tashkillashtirishning innovation usullari .....	235
<b>G'aniyeva D. M.</b> Методология анализа взаимной интеграции форм социального сознания на основе научных подходов .....	239
<b>Файзиева У. Ю.</b> Особенности внедрения инклюзивного образования в Республике Узбекистан .....	248
<b>Махмудова Д. С.</b> В педагогической деятельности учителя психологические барьеры и методы их преодоления .....	257
<b>Кочкаров А. А.</b> Диагностика индивидуально-типологических свойств курсантов образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан .....	264
<b>Musurmankulova M. N.</b> The new educational system of uzbekistan and new conditions for teachers .....	269

## **МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИХ, ФИЛОСОФИЯ**

<b>Файзиева У. Ю.</b> Международная практика инклюзивного образования История становления инклюзивного образования .....	272
--	-----

## **ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА**

<b>Mirsanov U. M., Isroilov N. S.</b> Umumiy o'rta ta'lif maktab o'quvchilariga dasturlash dasturlashni o'rgatishda xorijiy davlatlarning tajribalaridan foydalanish .....	280
<b>Esanbayev B. I.</b> Talabalarning fraktal grafikaga oid kompetentligini rivojlantrish muammolari .....	286
<b>Абидова З. К.</b> Профессионал таълим муассасалари ахборот мұхитини шакллантиришда электрон таълим ресурслари янги авлодидан фойдаланиш .....	292
<b>Xo'janazarov Z. R.</b> Ta'lif sifatini ta'minlashda SMART-texnologiyalaridan foydalanish .....	298
<b>Yusufxodjayeva F. M.</b> O'quvchilarida gazlamalarga ishlov berish texnologiyasi darslarida kasanachilik ko'nikmalarini shakllantirish .....	305
<b>Ibragimova M. G.</b> Texnologiya ta'limi darslarida o'quvchilarni ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish orqali kasb- hunarga yo'naltirish .....	310
<b>Isaqova Z. R., Tursunov J. E.</b> To'qimachilik korxonalarida мато турларини кengaytirish .....	315



## ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИННИНГ АУТОПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

*Парниева М. М.*

*ЧДПУ Технологик таълим кафедраси доцент в/б, н.ф.ф.д.*

**Таянч сўзлар:** аутопедагогик компетентлик, технологик таълим, антропологик, онтологик, диалогик, ижтимоий педагогика, социоген, психоген, акмеологик ёндашув, STEAM методи, когнитив-операцион.

**Ключевые слова:** autopedagogical competence, technological education, anthropological, ontological, dialogical, social pedagogy, sociogenic, psychogenic, acmeological approach, STEAM - method, cognitive-operational.

**Key words:** autopedagogical competence, technological education, anthropological, ontological, dialogical, social pedagogy, sociogenic, psychogenic, acmeological approach, STEAM - method, cognitive-operational.

Мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатига қўй-илаётган талаблар ўзгараётган бир шароитда касбий аутопедагогик компетентлик, касбий маҳорат ва маданиятнинг етарли даражада эмаслиги касбий маҳоратни шакллантириш ва технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари бўйича тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қиласди.

Аутопедагогик компетентликни шакллантиришни моделлаштиришнинг назарий-методологик асослари, бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг шаклланиш жараёни, унинг ижодий педагогик индивидуаллиги етарли даражада ўрганилмаганлиги соҳада кадрлар тайёрлашни креатив ва соҳавий ёндашувлар асосида тадқиқ этишни тақозо қиласди. Шу жиҳатдан олинган илмий маълумотлар ва улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялардан мутахассислар томонидан турли инновацион изланишлар ва ишланмалар қилишда, технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш муаммосини ўрганишнинг илмий-амалий асослари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигининг меъёрий-прогностик моделидан ижтимоий-педагогик тизимда, талабалар жамоаси - талаба шахсида маҳсулдор муаммоларни ҳал қилиш алгоритмлари тизимини ишлаб чиқсан ҳолда, бўлажак мутахассисларнинг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришни оптималлаштиришга мўлжалланган ўқув қўлланмалари ва тавсияларни ишлаб чиқишида илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетентликни шакллантириш технологиясининг таснифий белгилари сифатида қуидагилар аниқлаб олинди:

Кўлланилиши даражаси ва тавсифи: локал даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология.

Фалсафий асоси: 1) антропологик; 2) онтологик; 3) диалогик.

Методологик ёндашуви: инсонпарвар, алгоритмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув.

Ривожланишнинг етакчи омиллари: 1) социоген; 2) психоген.

Тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепцияси: ассоциативрефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик.

Шахсни ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши: БМО (билим, кўникма ва малака) + ЎзБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси) + ҲАС (харакатли-амалий соҳа).

Мазмунли тавсифи: касбий йўналтирилган.

Ижтимоий-педагогик фаолият тури: таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлантирувчи.

Қўлланиладиган методлари: 1) диалоги; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) ролли-ўйинли; 6) изланишли-тадқиқотчилик.

Ташкилий шакллари: 1) индивидуал; 2) груп; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий.

Қўлланиладиган воситалари: 1) тарқатма материаллар; 2) хужжатли фильмлар; 3) бадиий адабиётлар; 4) мультимедиа.

Таълим олувчига ёндашув ва биргалиқдаги ўзаро ҳаракат тавсифи: фаолиятга йўналтирилган.

Модернизацион йўналиши ва анъанавий таълим тизимига муносабати: биргалиқда ҳамкорликка асосланган фаолиятни кучайтириш асосидаги педагогик технология.

Қўлланилиш тоифаси: мактаб ўқувчилари учун.



Технологиянинг мазмуни ўзида мотивацион – когнитив-операцион – фаолият бирлиги ва ана шу босқичларни ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи мустақил ишни амалга ошириш даражалари (танишув, тушуниш, анализ ва синтез каби)ни акс эттиради.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқища, технологик таълим ўқитувчисининг малакасини оширишда ҳал қилувчи рол ижтимоий шарт-шароитларга тегишли бўлиб, шахс фаолиятига, ўз-ўзини тарбиялашга катта эътибор қаратилади. Шу мақсадда, ўқитувчини ўз касбининг “акме” элементларини яратишга имкон берувчи асосий таркибий қисмларга (билим, мулоқот, ўз-ўзини тарбиялаш профессионализми) эга бўлган технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигининг меъёрий-прогностик модели ишлаб чиқилди.

Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнини оптималлаштириш йўллари, “мен” образи ижтимоий-педагогик тизимида педагогик муаммоларни унумли ҳал этиш алгоритмлари таклиф этилди. Шу жараёнда тадқиқотнинг тажриба-синов қисми натижасида бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилди.

Доимий тайёргарликсиз фаол ижодий педагогик шаклни сақлаб қолиш мумкин эмас: ички тасавурлар, фикрлар, харакат маданияти оқимини ўзлаштириш, профессионализм даражасида педагогик тафаккурни такомиллаштириш методлари ва стратегияларини ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари ва технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бўлажак мутахассис шахси ўқитувчининг шаклланиш жараёнида унинг ижодий педагогик индивидуаллиги очиб берилмайди ва шаклланмайди. Касбий компетентликни эгаллашнинг қийинлиги шундаки, касбий билимлар методологик, назарий ва методик жиҳатдан барча даражаларда бирданига шаклланиши лозим.

Тизимли ёндашувни педагогик тажриба билан биргаликда қўллаш бўлажак технологик таълим йўналишини ўрганиш жараёнида фанлар мажмусини билимлар тизимига бирлаштириш имкониятини беради. Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш



педагогик тизим яратиш учун акмеологик ёндашувни ва STEAM ва бошқа инновацион технологияларни қўллаш орқали амалга оширилиши мумкинлиги педагогик тадқиқот мобайнида аниқланди.

Технологик таълим ўқитувчисининг касбий шаклланишини белгилашда ҳал қилувчи рол ижтимоий шарт-шароитларга тегишли бўлиб, шахс фаолиятига, ўз-ўзини тарбиялашга муҳим ўрин берилади. Фаол ўқитиши усулларидан фойдаланиш, ўкув фаолияти суръатини жадаллаштириш, ўкув ишлари кўникмаларини ривожлантириш, компьютер ва бошқа янги техника воситаларидан фойдаланиш, бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг бутун даври учун ижодий вазифалар тизими омил сифатида муҳим аҳамиятга эга [1].

Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш ОТМ ва ундан кейинги таълимда мутахассисни такомиллаштириш шароитида омилларни аниқлашга асосланган ўзига хос тузилиш, мазмун, босқич ва ривожланиш даражалари билан тавсифланади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини самарали ривожлантириш моделларини аниқлаш, тартибга солинмаган таълим жараёни психологик-педагогик, умумий назарий ва умумий маданий компетентликни шакллантиришга, педагогика фани ютуқларини ва иш амалиётида энг яхши амалиётларни амалга оширишга тайёрлигига, шунингдек, касбий фаолиятда ўз-ўзини такомиллаштириш/ўз-ўзини ташкил этиш/ўз-ўзини тузатишга катта таъсир кўрсатади [2].

“Акме” ҳолати элементларини моделлаштиришда шахснинг психофизиологик заҳираларидан фойдаланишни назарда тутиб, технологик таълим йўналишида бўлажак ўқитувчини ўқитиши жараёнида аутопедагогик компетентликни ривожлантириш учун меъёрий-прогностик моделни ишлаб чиқиши психологик-педагогик жиҳатдан асосланди. Шу тарзда, бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлиги самарадорлигини ошириш имконияти касбий билимлар методик ва назарий жиҳатдан шакллантирилганда намоён бўлади. Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлиги педагогик маҳорат ва технологияларнинг актёрлик ва режиссёрлик даражасидаги касбий маҳоратига боғлиқ. Унинг педагогик фаолиятдаги професионализми шахсий ва фаолиятга йўналтирилган характерда бўлади. Бу ерда, албатта, ўқитувчининг ижтимоий ва умуминсоний фазилатларини, касбий-педагогик сифатларини ва шахсни ўз ичига олган ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланувчи шахс тузилишига катта аҳамият берилади. Бинобарин, доимий тайёргарликсиз фаол ижодий педагогик шаклни сақлаб қолиш мумкин эмас.



Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш моделини тақомиллаштириш педагогик жараён вазифаларининг асосий гуруҳларини ечиш билан боғлиқ алгоритмларни ечиш ва педагогик вазифаларни унумли ҳал этиш алгоритмларига боғлиқ равишда кечади. Педагогик ўқув жараёнида психологик-педагогик, умумий назарий ва умумий маданий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, педагогика фани ютуқлари ва энг яхши амалий тажрибалар ўқитувчининг ўз-ўзини тақомиллаштиришига катта таъсир қўрсатади.

Олий таълимда инновацион таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим бериш воситалари ва мотивация, жараён иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар), фаолият натижалари каби бир неча қисмдан иборат таркибий тузилишга эга ва бўлажак технологик таълим йўналиши ни ўқитишида талаба фаолиятини ташкил этиш ва таълим жараёнини назорат қилиш каби бир-бiri билан алоқадор икки ўзаро боғлиқ компонентга ажратилади [3,4].

Олиб борилаётган илмий изланишлар, пировардида, замонавий таълим тизимида бўлажак технологик таълим мутахассисларининг аутопедагогик компетентлиги самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришда инсон имкониятларини ўрганиш ва иш фаолиятини яхшилаш учун акмеологик ёндашувни татбиқ этишга олиб келади. Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигининг таркибий қисмлари сифатида педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат муаммосининг назарий шартлари замонавий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш ва технологик таълим ўқитувчиси аутопедагогик компетентлигининг меъёрий-прогностик модели мазмуни ва тузилиши бўйича муайян илмий хулосаларга келиш имкониятини беради.

Бўлажак мутахассиснинг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилган ҳолда, технологик таълим ўқитувчисининг, талабалар жамоаси-талаба шахснинг ижтимоий-педагогик тизимида касбий муаммоларни унумли ҳал этиш алгоритмлари таклиф этилди. Профессионаллик ва компетентлик бир-бiriiga ўхшашиб бўлсада, ҳар хил маънога эга бўлган тушунчалардир. Профессионаллик деганда нафақат маълум билимлар, балки меҳнатга бўлган муносабат, ишнинг ўзига хос хусусиятлари, уни маҳорат билан бажариш кабилар ҳам тушунилади.

Ривожланган компетенциялар дарҳол сезилади, чунки профессионал педагог ўз кўникмаларини ривожлантиришга ҳаракат қиласади, муайян мақсад ва натижаларга эришишга интилади, ишchan қадриятлар ишлаб



чиқаради ва булар, одатда, иш жараёнининг стандартига мос келади. Компетентлик эса бир оз мураккаб мазмунга эга бўлиб, нафақат билимларнинг мавжудлигини, балки шу билан бирга уларни қўллаш қобилиятини ҳам тақозо этади. Компетентлик факат кенг қамровли баҳолаш ва кузатиш пайтида аниқланиши мумкин.

#### **Адабиётлар:**

1. Молчанов С.Г. Профессиональная компетентность учителя и её оценивание //С.Г.Молчанов// К.Д.Ушинский и проблемы современного воспитания. – Челябинск, 2000. – С. 60 – 66.
2. Нестеров Д.С. Развитие педагогической компетентности студентов в процессе открытого обучения: Автореф. дисс...к.п.н. – Великий Новгород, 2003. – 22 с.
3. Раббимова Ф. Т. Бўлажак ўқитувчиларда бадиий-эстетик компетентликни ривожлантириш. Ар.Ном.дисс. Тошкент. 2018. -40 б.
4. Сериков В.В. Образование и личность. Теория и практика проектирования педагогических систем. - М.: Логос. - 1999. - 272 с.
5. Кадирова Х.А. The role of epics in the formation of national outlook in future teachers. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal June, 2022, №4.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлиги ни шакллантириш жараёни ва ижодий педагогик индивидуаллиги етарли даражада ўрганилмаганилиги соҳада кадрлар тайёрлашни креатив ёндашувлар асосида тадқиқ этиш муаммолари таҳлил этилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье недостаточно изучен процесс формирования аутопедагогической компетентности будущего педагога технологического образования и творческой педагогической индивидуальности, а также проанализированы проблемы исследования подготовки кадров на основе творческих подходов.

#### **SUMMARY**

In this article, the process of forming the auto-pedagogical competence of the future teacher of technological education and creative pedagogical individuality has not been sufficiently studied, and the problems of studying the training of personnel based on creative approaches have been analyzed.

